

# Сармоя ва фойда хусусидаги шерикчилик



06:05 / 19.12.2019 2774

«Ширкат» луғатда «аралашиб кетиш» маъносини англатади.

Шариатда эса ширкат деб сармоя ва фойда хусусида шерик бўлганлар орасидаги ақдга айтилади.

Ширкат муомаласи Қуръони Каримда зикр қилинган.

Аллоҳ таоло:

**«Улар учдан бирига шерикдирлар»**, деган (Нисо сураси, 12-оят).

Яъни меросга қолган молнинг учдан бирига шерик бўлиб, молик бўлурлар, деганидир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло бошқа бир оятда:

**«Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар. Иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина мустасно. Улар жуда ҳам оз»**, деган (Сод сураси, 24-оят).

Ислом уммати доимо мол-мулкда, молиявий муомалаларда шерикликни маъқуллаб келган. Чунки модомики, кишилар бир жамиятда яшар эканлар, бундай ишга муҳтождирлар.



???? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????????????? ??????:  
????????? ?????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ?????  
????????????????????? ?????????????????????? ?????????????? ???????  
??? ?????????????? ??????????. ?????????? ?????????????????????.

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам Хайбарни яҳудийларга у ерда ишлаб, зироатчилик қилишлари учун бердилар. У ердан чиқадиган нарсанинг ярми уларга бўладиган бўлди».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Мадинаи Мунаввара яқинидаги Хайбар номли жойда яҳудийлар яшаган. Уларнинг хиёнатлари сабабли мусулмонлар билан ораларида уруш чиққан. Урушда улар енгилиб, ерлари ўлжа сифатида мусулмонларга ўтган. Ана шунда Пайғамбаримиз соллалллоху алайҳи васаллам яҳудийлар билан шартнома тузиб, ўша ерларни уларга деҳқончилик қилиш учун берганлар. Чиққан маҳсулот ўртада тенг тақсимланадиган бўлган.

Ислом шариатида ширкатлар ишига катта эътибор берилган. Чунки эркин иқтисодий ривожланиш асосан ширкатларга боғлиқ. Кўпчилик бир ўзи бирор ишни юритиши қийин. Ширкат бўлганда эса иш осонлашади. Шунинг учун ҳам эски фикҳ китобларини варақлайдиган бўлсак, бу масалада жуда кўп фойдали маслаҳатларни кўрамиз. Мусулмон кишилар топган молу мулклари ҳалол-пок бўлишини истасалар, бошқа иқтисодий фаолиятлари қатори, ширкат ишларида ҳам шариат кўрсатмаларига амал қилмоқлари лозим.

Ислом шариати нуқтаи назарида ширкатлар иқтисодий ривожнинг энг муҳим асосларидан ҳисобланади. Чунки уларда шериклик асосида кишилар ўз фикрлари, ишлари, сармоялари ила кўпчилик билан ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлиб иқтисодий фаолият олиб борадилар. Шунинг учун ҳам улардан кўп фойда келади. Лекин бу ишда ҳам ҳалоллик керак, хиёнат

бўлмаслиги лозим.

Бизга ватандошларимиздан бўлган мурожаатларнинг кўпчилиги музораба ширкати ҳақида бўлганини эътиборга олиб, ширкат ҳақида батафсил маълумот тақдим қилишга қарор этдик.

**«Бозор ва унга боғлиқ масалалар» китобидан**